

**Коррупцияга қарши кураш ва “Коррупция” тушунчасини
аниқлаш юзасидан айрим мулоҳазалар**

Коррупция инсониятга қадим ўтмишдан бери маълум. “Коррупция” сўзи “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”¹.

Юридик адабиётларда ҳам коррупция атамаси хусусида қатор маълумотлар келтириб ўтилган. Чунончи, Р.А.Зуфаровнинг қайд этишича, “Коорупция” сўзи латинча “corruptum” сўзидан келиб чиққан бўлиб “синган, бузилган” деган маънони англатади ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади². Н.Ф.Кузнецова коррупция деганда давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавфли ҳодисани тушунади³. Аммо ижтимоий ҳодиса сифатидаги коррупция тушунчасининг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқ. Б.Ж.Ахроров “Коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Хатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди”, деб фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, ҳозирда “бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари “коррупция” деб аталмоқда⁴. Муаллифнинг фикрича, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари ва коррупция тушунчаларининг моҳияти турлича ва улар орасида фарқлар ҳам мавжуд. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндисидир. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид

¹ Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарк, 2001. – 258 б.

² Зуфаров Р. Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.

³ Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – 58 с.

⁴ Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 287 с.

равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади”⁵.

Г.А.Сатаров коррупцияни “мансаб мавқеини тамагирлик ниятида суиистеъмол қилиш” сифатида тавсифлайди”⁶. Қ.Тожибоев эса, “Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсиндирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади”⁷, дейди.

“Коррупция... – давлат лавозимидан шахсий наф кўриш учун ғайриқонуний фойдаланиш. “Ғайриқонуний” атамаси давлат лавозимларини эгаллаган шахсларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи қонунлар (қоидалар) мавжудлигини англатади”⁸.

Назаримизда, коррупция тушунчасига берилган таърифларни бирлаштирган ҳолда, энг тушунарли ва муфассал таърифни А.К.Иркаходжаев берган. Унинг ёзишича, “криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан коррупция – бу уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Мазкур жиноятни содир этилиши мақсадлари остида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гуруҳ, корпаратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”⁹.

Коррупция тушунчасига, гувоҳи бўлганимиздек, юридик адабиётларда турлича таърифларни учратиш мумкин. Бироқ, юридик адабиётларда коррупция тушунчасига келтирилган таърифларда бир-бирига яқин ўзаро муштарак қарашлар акс этганлигини қайд этиш зарур¹⁰.

Таъкидлаш ўринлики, коррупция – илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши

⁵ Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.143-146.

⁶ Сатаров Г.А. Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02 1998. – 2 с.

⁷ Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 13 б.

⁸ Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 92 с.

⁹ Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 219, 221-222 с.

¹⁰ Батафсилроқ қаранг: Дементьев А.С. Проблемы борьбы с экономической преступностью и коррупцией. Автореф. дисс. на соиск. ... к.ю.н. - Нижний Новгород, 1997. - 12 с.; Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями. Учебное пособие // Коваленко С.Б., Кожамкулов М.Т., Онгарбекова Ж.В., Рахметова А.С. – Алматы: ООНИР и РИР Академии МВД РК. 2004. - 48 с.; Зуфаров Р. Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 27 с.; Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 219, 221-222 с.; Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – 139 б.; Мелиев Х. Коррупция: унинг олдини олишда антикоррупциявий экспертизанинг ўрни // Ҳуқуқ ва бурч. № 7, 2008. – 42 б.

аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигидан далолат беради.

Коррупция муаммосини ҳал этмасдан давлат бошқаруви вазифаларини самарали ечиш мумкин эмас. Дарҳақиқат бугунги кунда жамиятимизнинг кўп сонли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш муаммоси айниқса муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳол бир неча омиллар билан белгиланади.

Бу омиллар қуйидагилардан иборат, биринчидан, демократик кадриятлар қарор топиб бораётган шароитда давлат амалдорлари томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳокимият обрўсига путур етказди, амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини обрўсизлантиради. Иккинчидан, иқтисодий мазмуни ресурсларни тақсимлаш жараёнининг деформацияланишидан иборат бўлган коррупция иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади. Учинчидан, коррупция, бошқа кўпгина салбий ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзининг кенг илдиз отишига замин яратади – у бўлғуси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибга салбий таъсир кўрсатади, бунда коррупция қанча чуқур илдиз отган бўлса, унга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, ҳатто коррупциянинг баъзи бир сабаблари тугатилган бўлса ҳам, шунча қийинлашади. Тўртинчидан, мамлакатдаги коррупция даражаси сиёсий омилгина бўлиб қолмасдан, балки қарзлар бериш, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартлари ва ҳоказоларга таъсир кўрсатувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади.

Мамлакатда модернизация жараёнлари юз бераётган даврда коррупция мунтазам равишда кучайиб бориши мумкин. Ўзбекистонда ҳозир нафақат модернизация, балки ижтимоий, давлат ва иқтисодий негизларнинг тубдан ўзгариш жараёнлари юз бераётир. Шу боис мамлакатимизда ривожланишнинг умумий, шу жумладан салбий қонуниятлари кузатилаётгани табиий бир ҳолдир.

Коррупцияга қарши курашда самарали чора-тадбирлар кўрмаслик шунга олиб келиши мумкинки, у криминал, иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланиши ва мамлакатнинг конституциявий асосларига путур етказувчи миллий офат тусини олиши мумкин.

Шуларни инобатга олиб, 2016 5-октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4848-сонли Фармони¹¹да коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида" ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилди. Шундан келиб чиқиб, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-419-сонли қонуни эълон қилинди. Унда ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 3-моддасида ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Гувоҳи бўлганимиздек, коррупция тушунчасига аниқ таъриф келтирилган. Бу эса ўз навбатида ушбу жиноятларга қарши курашда катта амалий аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмайди. Айни вақтда бу мақсадларга ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари воситалари билан ҳам эришиш мумкин эмас. Умуман олганда, коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъносида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир. Шундай экан, ўйлаймизки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар.